

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил октябрь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман судининг сайёр суд мажлиси, Чортоқ тумани, “Наманган” МФЙ биносиди, очиқ суд мажлисида, туман судининг раиси И.Жаббаровнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Саримсоқовнинг котиблигида, тарафлардан Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Муллаев, судланувчи У.Хожибоева, жабрланувчи Қ.Фозиловнинг иштирокида, Хожибоева Умида Каримбердиевнага нисбатан 1-1610-2301/283-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш хужжатларига кўра;

Хожибоева Умида Каримбердиевна, 1983 йил 9 январда Чортоқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Чортоқ тумани, “Нурафшон” МФЙ, Хуррият кўчаси, 62-уйда яшайди, жиноят иши бўйича 2023 йил 7 сентябрда муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 9 октябрда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, суд мажлисида судланувчи ва жабрланувчини судга тақдим этган ўзаро ярашув ҳақидаги аризасини кўриб чиқиб, уларнинг кўрсатувларини ҳамда тарафларнинг фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи У.Хожибоева, 2023 йил 17 август куни онаси Р.Хожибоевнинг яшаш хонадониди 16 август куни синглиси Р.Хожибоевани О.Рахмоновани ҳақорат қилгани юзасидан шикоят қилиб келган Қ.Фозилова билан ўзаро жанжаллашиб, қўл ва оёқлари билан танасининг турли қисмларига қасдан уриб, тан жароҳати етказган.

Янгиқўрган туманлараро СТЭнинг 2023 йил 23 августдаги 1927/1078-сонли хулосасиди Қ.Фозиловнинг баданида бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, бурун суягини ёпиқ синиши, ўнг ошиқ болдир бўғими юмшоқ тўқималари лат ейиши жароҳатлари аниқланган бўлиб, тан жароҳатлари оғирлик даражасига кўра соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган энгил шикаст экани кўрсатилган.

Судланувчи У.Хожибоева суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза



билан мурожаат қилиб, айбига тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплангани, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги, ўртадаги ярашувга рози эканлигини билдириб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Қ.Фозилова суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилиб, ҳозирда соғлиғи яхшилиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, У.Хожибоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, у билан ярашиб бирга яшамоқчи экани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Қ.Фозилова ва судланувчи У.Хожибоеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Чортоқ туман прокурори ёрдамчиси Ш.Муллаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи У.Хожибоеванинг муқаддам судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарар тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, ярашув судланувчи ва жабрланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, У.Хожибоевани жиноий жавобгарликдан озод этиб, жиноят ишини ярашувга асосан тугатишни;

жабрланувчи Қ.Фозиловага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Хожибоева Умида Каримбердиевнага оид жиноят иши, у жабрланувчи билан ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Хожибоева Умида Каримбердиевнага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Ажрим устидан йигирма сутка ичида Наманган вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

И.Жаббаров

Хужжат имзоланган: Жаббаров Иброхим Султонмуратович, 16.11.2023

